Тарбия бу санъат демакдир

Эргашева Юлдуз Отамирзаевна

Хорижий тиллар кафедраси

Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация: Ушбу мақола замонавий таълим бу шунчаки ўқитиш эмас, балки дунёда содир бўлаётган воқеаларни баҳолаш учун танқидий фикрлай оладиган шахс, шаклланган қобилиятли шахсни шакллантиришга бағишланган. Бизнинг ўқувчиларимизга берадиган нарсалар ҳаётда улар учун зарур ва фойдали бўлиши керак. Улар ҳақиқий ҳаётда ёки иш шароитларида фойдалана олмайдиган билим ва кўникмаларни олишдан манфаатдор эмаслар.

Калит сўзлар: тарбия,педагогика, таълим тарбия, ўқитиш методикаси, ўқитиш, чет тили, ахборот-коммуникация технологиялари.

Upbringing is an art

Ergasheva Yulduz Otamirzaevna

Department of Foreign Languages

Andijan State Medical Institute

Annotation: This article is dedicated to highlighting that modern education is not just teaching, but an area that serves to educate a person who is able to think critically to evaluate what is happening in the world, a talented person. What we give to our students should be necessary and useful to them in life. They are not interested in acquiring knowledge and skills that they cannot use in real life.

Keywords: pedagogy, education, teaching methods, teaching, foreign language, information and communication technologies.

Воспитание - это искусство

Эргашева Юлдуз Отамирзаевна

Кафедра иностранных языков

Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация: Эта статья посвящена тому, чтобы подчеркнуть, что современное образование - это не просто обучение, а область, которая служит формированию человека, способного критически мыслить, оценивать происходящее в мире, талантливого человека. То, что мы даем нашим ученикам, должно быть им необходимо и полезно в жизни. Они не заинтересованы в приобретении знаний и навыков, которые они не могут использовать в реальной жизни или в рабочей среде.

Ключевые слова: воспитание, образование, методика обучения, обучение, иностранный язык, информационные и коммуникационные технологии.

Ёш авлод таълим-тарбияси хар бир ота-онанинг Ватан олдидаги муаддас бурчидир. Хаётимизнинг барча сохаларида, жумладан ёш авлод таълим –тарбиясида хам кенг қамровли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш,

янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касб эгаллашларига караб туриб ватанимиз келажагини тасаввур килса бўлади. .

Педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йулларини ўргатувчи фан хисобланади. Тарбиялаш гоят нозик санъат булиб, унга жуда жиддий ёндашмок керак. Айникса педагогик ишни ўзига касб қилиб олган кишилар мазкур фанни чуқур ва пухта билишлари шарт.

Хозирги кунда педагогикани хамма билиши лозим бўлган фан деб хисоблаш керак, чунки инсонни ҳаёти давомида таълим-тарбия ишлари билан маълум даврда шуғулланишлари керак. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим-тарбияни кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилгат.

Бирор касбнинг хақиқий устаси бўлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва рухий хислатлари бўлиши керак. Педагогик касбини танлаган киши аввало соғлом бўлиш, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қилиш, асаблари жойида, вазмин бўлиш керак. Бундан ташкари болаларни ёқтириши, улар билан ишлашга майли борлиги,бошқалар билан мулоқот қила олиши, хушмуомалалиги, кузатувчанлиги, кенг фикрлай олиши, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлигини хам шахснинг педагогик ишга лаёқати борлигини кўрсатади. Муваффақиятли ишлаш учун хар бир ўқитувчи педагогик махоратга эга бўлиши зарур.

Педагогик махорат эгаси оз мехнат сарф қилиб катта натижаларга эришади. Ижодкорлик хамиша уларни хамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик махорат бўлиши мумкин. Кобилият ва махорат иш жараёнида пайдо бўлиб ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарк қилади. Малака ва уддабуронлик машк, ўқиш натижаси хисобланса, қобилиятни ривожланиши учун истеъдод, лаёқат, зехн бўлиши зарур. Қобилиятни турлари мавжуд бўлиб, булар билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, тўғри муомала қила олиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тасдиқлай олиш қобилияти.

Эътиқод, одоб, фуқаролик бурчини англаш-ўқитувчини асосий сифатлардан биридир. Болаларга мехр-мухаббатни тарбиялаш ўқитувчиларнинг энг мухим фазилатидир.

Ўқитувчининг энг мухим фазилатидан бири кишилар билан тез эл бўла олиш, кўпчиликка аралаша билиш, дилкашлик бўлиб ундаги муомила мохиятини юксалишини ифодалайди. Чунки ўқитувчига хамиша одамлар билан алоқа қилишга, улар билан ишлашга тўғри келади.

Алоқаларда, фаолиятда дуч келадиган турли хил муаммоларга педагогик қоидалар нуктаий назаридан догматик муносабатда бўлиш эмас, балки уларни ўз холига идрок этиб, адолатли бахолаш, муносабатда одил бўлиш ўқитувчининг обрўсини оширади.

Ўқитувчини одоби, маданияти юксак бўлсагина одамларга нисбатан мехрибон, саховатли бўла олади, уни хамма хурмат қилади. Бунинг учун очик кунгил, катъий бўлиши, ўзини тута олиши, бардошли бўлиши керак. Ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлиши билан бирга ўз шахсига танқидий

нуктаий назардан қарай олиши керак. Шахс ахлокини характерлайдиган белгилардин бири масъулиятдир.Ўқитувчининг масъулияти унинг фаолияти ва таълим тарбия жараёнинг аник вазифаларини қамраб олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини хар тамонлама камол топтириш масъулияти юкланади.

Ўқитувчи ўқувчига чукур назарий билимлар бериши, уни хаётга, мехнатга тайёрлаши лозим. Шунингдек у боладаги бор бўлган лаёкат ва қобилиятни пайқаб алохида муносабатда бўлиши, унда мавжуд булган ижобий ахлокий сифатларни авайлаб ўстириш лозим.

Педагогик фаолият ўз мохиятига кўра ижодий характерга эга. Маълумки инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эхтиёж туғилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик фаолият киши шахсини, уни дунёқарашини, эътиқоди, онги, хулк-атворини шаклланишидек умумий мақсадга бўйсунган сон-саноқсиз педагогик масалаларини ечиш жараёнидир.

Педагогик ижодкорлик манбаи – бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба – муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндашишини, ўқувчиларнинг таълим – тарбиясида янги, самарали йул ва воситаларнинг қидириб топишини тушунамиз.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи факатгина болаларни муваффақиятли ўкитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчиларни тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадкикотчилар кўникма ва малакаларига хам эга бўлиши зарур.

Шунинг учун ўқитувчи аввало тадқиқотчилик малакасини эгаллаши лозим. У фан хулосаларидан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида хозирги замон ўқитувчиси учун зарур бўлган жуда мухим фазилатларни эгаллайши керак.Аср бўсағасида ижтимойи иқтисодий муносабатлар ривожида инсон ақл заковати ва маьнавияти асосий мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлиги тобора намоён бўлмокда.

Ўзбекистон республикасининг таьлим туғрисидаги қонун 1997 йил давлатимиз ижтимоий тараққиёти сохасида устивор деб эълон қилиниши педагогика фани зиммасига жуда катта масъулиятли, улугвор вазифаларни юклади. Маьнавий маданий, диний маросимимизни қайта тикланиши, уларни замон рухи талаби билан уйғунлаштириб фақат шахсий, миллий манфаат касб этилиб қолмасдан умумжахон маьнавий ижтимоий иқтисодий тараққиётига улкан хисса бўлиб қўшилмокда, чунки жахонда хали хорижий давлатчилик бозор иктисодиётига ўтиш тажрибаларида маьнавият ижтимоий иқтисодий тараққиёт билан уйгун холда ривожлантирилмаяпти. Ахлок онгли амалий фаолиятда шаклланиб. ривожланиши хақида гапириб маьнавият тақдирнинг эхсони эмас маьнавият инсон калбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан акл билан мехнат қилиши керак. Маьнавият инсонда шаклланиши лозим бўлган аклий, ахлокий, интелектуал мажмуаси бўлиши билан бир қаторда одамнинг рухий энергетик ботиний қуввати билан хам уйғундир. Инсонни дунёга келиши фақат туғилишидан иборат табиий биологик ходиса эмас. Балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши мавжуд ижтимоий тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши тарихий жараёнининг фаол иштирокчисига

айланиши, яьни, тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва мехнат тажрибасини билим ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди, яьни янги туғилган одам боласининг ривожланиши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига рахбарлик қилинган, бошкарилган,бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ходиса орқали амалга оширилган, жамият ривожлангани сари етук баркамол шахсларни етиштириш эхтиёжи хам ортиб боради ва ўзгариб, янгиланиб боради. Жамиятга хизмат қилган инсоният жамиятнинг турли босқичларида таьлим тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш сохасидаги тажрибаларни назарий жихатдан англаш. умумлаштириш ва хаётга тадбиқ қилиш жараёнида педагогика фани пайдо бўла бошлади. Педагогика таьлим тарбиянинг максади ва вазифалари, давлат таьлим стандартлари, таьлим ва тарбиянинг усуллари,ташкил этиш шакллари умуман унинг қонуниятлари хақида маълумот берадиган фанга айланди, ўзлигини англаш биринчидан,унинг озод, эркин, нодир, улуг сиймолигини англаш ва ўзида унга амал килиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан, унинг ўзига хос миллий инсоний сифатларини очиб берувчи этник, маънавий, инсоний асосларини англаш ва уларга амал килишдан иборатдир.

Педагогика фанининг предмети ўқитишнинг, таълим тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутаххасисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун методологик асослари , мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий ва маънавий ривожида шахс камолоти уйғунлиги, қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чикади.

Таълимнинг, ўқитишнинг вазифаси фуқаролар, ёшларнинг энг асосий конституциявий хуқуқларидан бири бўлган хар бир кишининг ақлий, амалий имкониятларини руёбга чикариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жихатдан ривожини таъминлаш, ўзи хохлаган касбини танлаш, уни мукаммал эгаллаб, шу сохада бахтиёр фаолият кўрсатиш учун моддий маънавий, тарбиявий дидактик шарт шароит яратишдан иборатдир. Бу умумий вазифадан таълимнинг хар бир бўғини, тури ва босқичларининг ўзига хос вазифалари келиб чикади. Таълим педагогларнинг билим бериш фаолиятидан ва ўқувчи талабанинг билим олиш, ўқиш фаолиятларидан иборат қўшалоқ жараёндир

Адабиётлар рўйхати:

1. Жураев Р.Х.Сафарова Р.Г.Мусаев У.К..Педагогика фанлари концепцияси.Халқ таълими,2004.№5.8-32 б.

2. Зуннунов А.Педагогика тарихи.Олий ўқув юртлари учун дарслик.Т:2004.335 б.

3. Ибрагимов Х, Абдуллаева Ш.Педагогика.ўқув қўлланма.-Т:ФАН,2004,-182 б

4. Исмоилова З.К.Бўлажак мутахассислар шахсни шакллантиришнинг ғоявий асослари.Касб-хунар таълими.№3.2007.-Б.18